

## Қўрғончалик тадбиркор маҳалладошларидан мурувват ёрдамини аямаяпти

Коронавирус пандемиясининг мамлакатимизда тарқалишини олдини олиш чоратадбирлари доирасида эълон қилинган карантин даврида саҳоватпеша тадбиркорлар кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар, ногиронлиги бор юртдошларимизга ҳомийлик кўрсатиш ташаббуси билан чиқишишмоқда.

Нурсух қишлоғининг Қўрғонча маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи саҳоватпеша тадбиркор Махмудали Қўчқаров ўз маҳалласидаги эҳтиёжманд, кам таъминланган, ногиронлиги бўлган ва боқувчисини йўқотган оилаларга беминнат ҳомийлик ёрдамларини кўрсатиб келмоқда.

Шу кунларда эл дардига бефарқ бўлмаган тадбиркор томонидан худудда яшовчи 50 нафар кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар ҳамда ногиронлиги бор фуқароларга 50 қоп ун, 50 литр ўсимлик ёғи, 50 кг гўшт каби озиқ-овқат маҳсулотлари, тиббий ниқоблар ҳамда 12 миллион сўм маблағ улашилди.

Хайрия маҳсулотларни тарқатиш карантин қоидаларига амал қилинган ҳолда туман ҳокимлиги, туман Санитария-эпидемиология осойишталиқ маркази ва маҳалла фуқаролар йиғини вакилларининг тегишли санитария-гигиена назорати остида амалга оширилди.

- Тадбиркордан жуда миннатдормиз, маҳалла ҳаётида доимо фаол иштирок этади. Мана, бугунги синовли кунларда ҳам ўз ташаббуси билан кўмакка мухтоҷ фуқароларга қувонч улашди. Қишлоғимизда бу каби саҳий инсонлар борки, улар ҳам кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларнинг рўзғори бутлашда кўмаклашмоқдалар -дейди Қўрғонча МФЙ раиси Хабибулло Маматқулов.

### **Ўзбекистон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати**

2020-04-21 23:01:34